

Касалликни кетказиш сабабларидан



10:39 / 11.08.2021 4276

Абу Бакр Хаббазий раҳимаҳуллоҳ дейдилар: «Оғир касалликка йўлиқдим. Мени кўргани бир солиҳ қўшним келди ва менга: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «Беморларингизни садақа билан даволанглар» деган ҳадисларига амал қилгин» деди. Ёз вақти эди. Кўпгина тарвуз сотиб олдимда, фақирлар ва ёш болалардан иборат катта жамоатни йиғдим. Уларни тарвуз билан сийладим. Улар ейишди ва қўлларини кўтариб Аллоҳ таолодан мени ҳаққимга шифо сўраб дуо қилишди.

Аллоҳга қасам, тонг отди ҳамки, Аллоҳ таолонинг фазли билан дарддан буткул тuzалган эдим».

Имом Заҳабийнинг «Сияру аъламин нубало»дан.